

**ЖАҲОН САВДОСИГА РАҚАМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ
ТАЪСИР КЎРСАТИШИННИНГ ТАҲЛИЛИ**

**Абдувалиев Абдулазиз Абдувалиевич –
ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари»
ИТМинг илмий шилар бўйича директорнинг ўринбосари, и.ф.н., к.и.х.**

Аннотация. Мақолада Жаҳон савдо тизимиға рақамлаштириш жараёнларнинг таъсир кўрсатиши ва унинг асосида рўй берадиган ўзгаришлар таҳлил қилинган. Рақамлаштириш жараёнлари асосида Жаҳон савдо ташкилоти тизимида рўй берадиган ўзгаришлар ўрганилган ва тегишили хуносалар шакллантирилган.

Таянч иборалар: Иқтисодиёт, жаҳон савдоси, рақамлаштириш, рақамли иқтисодиёт, Жаҳон савдо ташкилоти, электрон тижорат, экспорт.

Аннотация. В статье изучены результаты влияния процессов цифровизации и ее последствия для всемирной торговли. Исследованы изменения во Всемирной торговой организации на основе цифровизации и заключены соответствующие выводы.

Ключевые слова: экономика, всемирная торговля, цифровизация, цифровая экономика, Всемирная торговая организация, электронная торговля, экспорт.

Annotation. The article examines the results of the impact of digitalization processes and its implications for world trade. The changes in the World Trade Organization based on digitalization are investigated and the corresponding conclusions are drawn.

Key words: economy, world trade, digitalization, digital economy, World Trade Organization, e-commerce, export.

Янги технологияларни яратиш, жорий қилиш ва тарқатиш борасида “рақамлаштириш” жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг янги босқичига айланди. Жаҳон савдоси учун рақамлаштириш трансформацияларнинг асосий натижаларидан бири бу уларнинг янги рақамли технологиялар асосида (буюмлар интернети, сунъий интеллект, блокчейн, катта маълумотлар) янги бозорларни, маҳсулотларни ва бизнес-моделларни яратиши бўлди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномада, 2020 йил “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожланириш йили” деб номлаб: “Тадбиркорлик мұхитини янада яхшилаш йўналишлари ва тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини әгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориши имкониятини беради. Зоро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда”[1] деб алоҳида таъкидлаганлар.

Бугунги кунда жаҳон савдоси ривожланиши мутлоқ янги босқичга кўтарилиди ва унинг алоҳида фаол ривожланаётган сегментларидан бири бу рақамли маҳсулотлар ва хизматларнинг алмашинуви бўлмоқда. Мамлакатларнинг халқаро иқтисодий муносабатларда бир-бирига ўзаро боғлиқлигини юқори даражада деб белгилаш мумкин. Иқ-

тисодиёти ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон савдосидаги улуши 50 %га етган ва халқаро айрибошлишда энг фаол жараёнлар айнан иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларнинг ўзаро савдо муносабатларида кузатилмоқда. Бу борада, жаҳон савдосининг рақамли трансформациялашувининг асосий жиҳатлари қўйидагиларда намоён бўлади:

- **электрон тижоратнинг кенг кўлами ривожланиши**, уларда асосий улуш B2B таъминоти әгаллайди (ингл. – Business-to-Business), яъни, корхоналар ўртасидаги таъминот. Масалан, 2016 йилда ушбу кўрсаткич 23,9 трлн. долларни ташкил этган, бу кўрсаткич корхоналар томонидан жисмоний шахсларга (B2C (ингл. – Business-to-Customer)), амалга оширилган таъминотдан анча юқори, унинг кўрсаткичи 3,8 трлн. долларни ташкил этган[2];

- **ташқи савдода ахборот-коммуникацион хизматларнинг фаол ривожланиши**, жумладан, 2005-2016 йй. уларнинг жаҳон савдосидаги улуши икки баробарга ортган;

- **электрон тижоратнинг рақамли платформаларининг ривожланиши**. Бутун дунё аҳолиси томонидан рақамли технологиялар жорий қилинишининг самарадорлиги айнан савдо платформалари ҳисобига эришилган. Айнан рақамли платформалар ҳисобига бизнес глобал “платформали” компанииларни шакллантиради. Масалан,

Alibaba конгломерати рақамли технологиялар асосида икки йилда ўзининг мижозлар сонини 1 млн.га етказди, ўн йилдан ортиқ даврда ўзининг платформасида, Интернет тармоғида 9 млн.дан ортиқ савдо билан шуғулланувчиларни интеграциялашга эришган ва бунинг натижасида 700 млрд.доллар миқдоридаги савдо айланмасига эришган[8].

- чегараларни кечиб ўтиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг пасайиши. Жумладан, божхона фаолиятида замонавий АКТларнинг жорий қилиниши, чегарада амалга ошириладиган божхона расмийятчилигини камайтиришга эришилади. 2017 йилда Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)нинг жаҳон савдосини соддалаштиришга қаратилган келишуви кучга кирди (ингл. – Trade Facilitation Agreement), яъни, унинг асосий мақсади, экспорт, импорт ва божхона билан боғлиқ жараёнларни модернизациялашга қаратилган. Мазкур Келишувнинг нормаларини тўлиқ амалга оширилиши натижасида жаҳон савдосидаги харажатларни 14,3 %га камайтиришга эришилиши кутилмоқда[5].

ЖСТ маълумотларига кўра, 1996-2014 йй. оралиғида технологик устуворликлар таъсири ҳисобига жаҳон савдоси қийматининг 15 %га пасайиши кузатилган[6]. Улар жумласидан, транспорт қийматининг сунъий интелектнинг ҳисобига камайишини келтириш мумкин, масалан, транспортнинг автоном бошқарилиши ва GPS-навигация, логистика харажатларини он-лайн режимида назорат қилиш орқали камайтириш ва бошқалар.


Маълумки, жаҳон савдосини тартибга солища ЖСТ хукуқий-ташкилий таркибга эга бўлган кенг қамровли фаолиятга ташкилот бўлиб бугунги кунда айнан рақамли маҳсулотлар ва хизматларнинг жаҳон савдосидаги фаолиятнинг ривожланиши ҳисобига бир мунча қийнчиликлар юзага келаётганилиги эътироф этилган. Айнан ушбу борада ЖСТ жаҳон савдосида юзага келаётган муюажароларни ўз вақтида хал қила олмаслиги муаммолари юзага келмоқда, чунки, халқаро савдо келишувлари анъанавий маҳсулотларнинг халқаро савдосига мўлжалланган ва келишувлар шакллантирилаётганда рақамли технологиялар ҳали мавжуд бўлмаган.

Жаҳон савдосида тобора ортиб бораётган тенгсизлик айрим мамлакатларнинг савдо сиёсатида протекционистик харакатларнинг ўсишига олиб келди. Улар жумласидан,

АҚШнинг Транстинчоекан ҳамкорликдан чиқиши ва НАФТА бўйича ҳудудий Келишувни қайта кўриб чиқиш бўйича амалга оширилаётган харакатлар, Буюк Британиянинг Европа Иттифоқидан чиқиши, АҚШ ва Хитойнинг келишилган ҳолда тарифларининг кўтарилиши, бунинг оқибатида савдо соҳасида келишмовчиликлар келиб чиқди.

Шунингдек, белгилаш лозимки, рақамили технологияларнинг жаҳон савдосидаги протекционистик ҳолатлари фаоллашиб бормоқда ва аксарият мамлакатлар томонидан рақамли савдога нисбатан тўсиқларнинг ортиб бораётганилигини эътироф этиш мумкин. Мамлакатлар ўртасида рақамли иқтисодиёт соҳасида ривожланиб бораётган тенгсизлик ҳолати бир томондан мамлакатлар ўртасида шакллантириладиган протекционистик ҳолатни янада каттароқ ҳавф келтириб чиқаради[10]. Бундан хуоса қилиш мумкинки, агарда жаҳон иқтисодиётида тобора рақамли савдо юзасидан янги тўсиқларнинг кўпайиб бориши кузатиладиган бўлса буни “рақамли протекционизм” деб аташ ҳам мумкин бўлади.


Рақамли технологияларнинг тобора жорий қилиниши ва кенг ёйилиши ҳисобига, келгуси ўн йилликда айрим маҳсулотларнинг халқаро савдоси кўпайиши ёки пасайиши ва айрим холларда йўқ бўлишига олиб келиши мумкин. Масалан, таҳдилларга кўра, 1996-2016 йй. ахборот коммуникацион технологиялар (АКТ) маҳсулотларининг халқаро савдоси уч баробарга ортган (549 млрд. доллардан 1,6 трлн. долларгачан), аммо савдонинг товарлар таркибида ўзгаришлар кузатилган, масалан компьютерларнинг улуши пасайган бўлса, телекоммуникация маҳсулотларнинг (ярим ўтказгичлар, телекоммуникация ускуналари) улуши ортган[6]. Демакки, сўнгги ўн йилликда жаҳон бўйича АКТ соҳасида хизматлар ва рақамли технологиялар асосида кўрсатиладиган хизматлар экспорти, бошқа хизматлар экспортига нисбатан тез ривожланди. Масалан, 2005-2016 йй. АКТ хизматларнинг экспорти жами тижорат хизматлардаги экспорт улуши 7,4% дан 9,7 %гачан ўстган[3]. Эътиборли томони шундаки, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда АКТларнинг, жами экспортидаги улуши 50-55 %ни ташкил этган бўлса, иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларнинг экспорт таркибида 30 %ни ташкил этган[4].



1-расм. 2017 йилда айрим иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда АКТ маҳсулотлари ва хизматлари экспорт күрсаткичи (жағон бүйича АКТ маҳсулотлари экспортининг жами ҳажмига нисбатан % ҳисобида)[7]

Шунингдек, таҳлилларга кўра, жағон бүйича АКТ маҳсулотлари экспортининг жами ҳажмига нисбатан энг юқори улуши АҚШга (7,4% маҳсулотлар ва 7,3% хизматлар экспорти), Германияга (5,3% ва 3,6%), Буюк британияга (4,9% ва 0,9%) тўғри келган бўлса (1-расм), иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда энг юқори кўрсаткич Хитойда

кузатилган (5,3 % ва 30,7 %), Ҳиндистонда (10,6 % ва 0,1 %), Польшада (1,2 % ва 0,8 %) кузатилган (2-расм). Умумий холда, 2018 йилда рақамли технологиялар асосида кўрсатилган хизматлар экспорти 2,9 трлн. долларни ташкил этган, бу эса, жағон хизматлар экспортининг 50%ни ташкил этган[9].



2-расм. 2017 йилда айрим иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда АКТ маҳсулотлари экспорт күрсаткичлари (жағон бүйича АКТ маҳсулотлари экспортининг жами ҳажмига нисбатан % ҳисобида)[7]

Белгилаш лозимки, жағон савдосида бугунги кунда инқироз холатлари ҳам кузатилмоқда ва бу холат анъанавий савдо иқтисодий муносабатларда тўсиқларнинг ортиб

бориши ҳамда дунёдаги энг йирик жағон савдосининг иштирокчилари, Хитой ва АҚШ ўртасидаги савдо можароларини келтириш мумкин. Бундай салбий холатлар албатта

бошқа мамлакатларнинг жаҳон савдосидаги иштирокига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган тенденциялардан келиб чиқган ҳолда хулоса қилиш мумкинки:

- глобал инқизорзларнинг фундаметал асосларидан бири бу иқтисодий ривожланишдаги тенгсизлик ва таффовутлар сабаб бўлмоқда, бунда, жаҳон иқтисодиёти тармоқларининг ривожланиши якуний истеъмолчиларнинг (экспорт қилувчилар, давлат ва уй хўжаликлари) талаблари ва истакларига мос келмаслигига боғлиқ бўлмоқда. Бундан ташқари, жаҳон иқтисодиётининг реал сектори тобора молиявий сектордан ажralиб бормоқда, спекулятив операцияларнинг ҳажми эса тобора ортиб бормоқда;

- бугунги кунда ривожланиш тенденциялардан келиб чиқилган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, яқин истиқболда жаҳон иқтисодиётидаги ва жаҳон савдосидаги таффовутлар рақамлаштириш ҳисобига тобора кучайиб боради, бунинг асосида, "рақамли тенгсизлик" янада фаол қўлланилган ҳолда олимлар ва мутахассислар томонидан янада чуқур тадқиқ қилинишини талаб қиласди. Шулардан келиб чиқилган ҳолда жаҳон савдосининг барқарор ривожланиши таъминлаш мақсадида янги парадигмаларини аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз;

- савдо сиёсатининг энг муҳим муаммалидан бири, бу унинг фирмалар фаолиятига таъсир қилиши билан боғлаш мумкин,

яъни, жаҳон савдосидаги таркибий ўзгаришлар кўпроқ миллий савдо сиёсатига ва айrim фирмалар учун яратилган преференцияларга таълуқли бўлади;

- рақамли технологияларнинг ривожланиши кичик бизнес вакиллари учун халқаро алоқаларини ривожлантириш учун янада кенг имкониятлар очаётганлигини белгилаш мумкин. Зеро, кичик компаниялар қисқа фурсатларда глобал компаниялар даражасигачан ўсиш имкониятлари жуда юқори бўлади, бундай компанияларга мисол тариқасида eBay, Facebook, Amazon келтириш мумкин. Чунки, маълумотларга кўра, дунёдаги технологик стартапларнинг 86 % халқаро фаолиятларни ривожлантириш билан боғлиқ;

- рақамли трансформация жаҳон савдо иштирокчиларнинг харажатларини кескин камайтиришга, глобал даражада кенг кўламдаги истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларни бирлаштиришга эришилди. Трансчетгаравий электрон савдода иштирок этаётган саноат соҳасидаги ва хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг сони кўпаймоқда. Аммо мамлакатлар ўртасида уларнинг рақамли жаҳон савдосига жалб қилинганлиги бўйича таффовутлар мавжудлиги кузатилмоқда;

- умумий ҳисобда, бугунги кунда Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлиш арафасида, ушбу борада, фаол тарзда рақамли технологиялар ва платформалардан фойдаланган ҳолда ишни ташкил қилиши истиқболда ўз ижобий натижасини бериши шубҳасизdir.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020 йил 24 январь. Халқ сўзи газетаси 25 январь 2020 йил.
2. Global Digital Trade 1: Market Opportunities and Key Foreign Trade Restrictions. – Wash., D.C.: United States International Trade Commission (USITC), 2017. P.23.
3. Information Economy Report: Digitalization, Trade and Development. – N.Y. & Geneva: UN, UNCTAD, 2017. Pp. 29-34.
4. Measuring the Digital Economy // International Monetary Fund (IMF) Staff Paper. – Wash., DC: IMF, February 28, 2018. – pp. 27-28.
5. World Trade Report 2015: Speeding up Trade: benefits and challenges of implementing the WTO Trade Facilitation Agreement. – Geneva: WTO, 2015. P.78.
6. World Trade Report 2018: The future of world trade: How digital technologies are transforming global commerce. Geneva: WTO, 2018. P. 89.
7. Индикаторы цифровой экономики: 2019. Статистический сборник / "Высшая школа экономики". М.: НИУ ВШЭ, 2019. С.103-104.
8. Доклад о мировом развитии 2019: изменение характера труда. Вашингтон: МБРР, Всемирный банк, 2019. С. 5-6.
9. "Доклад о цифровой экономике 2019" Создание стоимости и получение выгод: последствия для развивающихся стран. Организация Объединенных Наций. 2019. С.8.
10. Цифровая экономика и искусственный интеллект – новые вызовы современной мировой экономики: колл. монография. –М.: Издательский дом ГУУ, 2019. С.74.